



ISSN 2010-7145

FARMATSEVTIKA JURNALI

Фармацевтический журнал
Pharmaceutical journal

pharmi.uz

Актив.
2022. Том 31. №1

Чтобы а

Үрінбоева Инобат Рахимбай кизи, Зулфикариева Дилноза Алишеровна

ТИАКЛОПРИД ПЕСТИЦИДИНИ ЮПҚА ҚАТЛАМ ХРОМАТОГРАФИЯСИ УСУЛИДА ТАХЛИЛ УСЛУБИННИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тошкент фармацевтика институти
e.mail: inobatorinboyeva@gmail.com

Тиаклоприднинг юпқа қатlam хроматографияси усулида мўътадил таҳлил шароитлари ишлаб чиқилди. Тақлопридни юпқа қатlam хроматографик таҳлил қилиш учун органик эритувчилар системаси, очувчи реагентлар, сорбентлар танлаб олинди. Усулнинг сезирлиги, хусусийлиги ўрганилди.

Калит сўзлар: Тақлоприд, юпқа қатlam хроматографияси, силуфол, силикагель, эритувчилар системаси, реагент.

Долзарблиги: Тақлоприд неоникотиноид гурухи пестицидларига кириб, тўғридан-тўғри тупроққа ёки экин майдонларига сепилади ва шунинг учун атроф-мухитнинг жиддий ифлосланишига олиб келиши мумкин. Тупроқ ва сув ҳавзаларида сакланиб қолиши натижасида инсон саломатлиги учун хавф туғдиради. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳозирги кунда неоникотиноид гурухи пестицидлари оммавий равишда кўлланилиб келинмоқда. Неоникотиноид гурухи пестицидлари, жумладан тиаклоприд юқори токсикологи билан ажralиб туради. Ушбу пестицидлар асосан барча ҳашаротларнинг никотиник-ацетилхолин рецепторларига таъсири килиб, тутқаноқ ва фалажга олиб келади. Бу моддалар гурухи бошқа турдаги пестицидлардан кам дозада кўлланилганда ҳам юқори натижা бериши билан ажralиб туради. Бу эса кам микдорда ҳам организмларнинг заҳарланишга олиб келади. Тақлоприд билан заҳарланишнинг даражасига қараб инсон саломатлигига турли муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Енгил ва ўртача заҳарланиш коринда оғрик, бош оғриғи, қайт қилиш, бош айланиши, диарея ҳамда енгил жисмоний ва ақлий фаолият даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин. Тақлоприд билан оғир даражада заҳарлашин юз берганда гипотермия, нафас этишмовчилиги, пневмония, гипотензия, метаболик ацидоз (кондаги кислота мувозанати) ва коринча дисритми (юрак уришининг тартибсизлиги)га олиб келиши мумкин [1]. Баъзи ҳолларда тиаклоприддан кучли заҳарланиш ҳолати ўлимга олиб келади. Тақлоприд туфайли саратон пайдо бўлиши

мумкинлиги ҳақида ҳам таҳминлар мавжуд. 2006 йил Нью-Йорк штати атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси берган ҳисоботида бир қанча ҳайвонларда олиб борилган тадқикотлар натижасида тиаклоприд таъсирида каламушлар ва сичқонларда бачадон, қалқонсимон без ва тухумдан ўсмалари пайдо бўлиши қайд этилган. Ушбу ҳолатларга асосланиб, АҚШ Соғлиқни саклаш вазирлигининг саратон касаллигини баҳолаш бўйича кўмитаси тиаклопридни "инсонлар учун канцероген бўлиши мумкин" деб ҳисоблаган. Шунинг учун тупроқ ва ер усти сув ҳавзаларида тиаклоприд қолдик микдорлари даражасини аниқлаш жамоатчиликни қизиқтиради. Ушбу пестицидларни кўллаш орқали этиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини ошириб бориш билан бирга уларни этиштиришда меҳнат қиласётган ишчи ходимларни ҳамда ифлосланган маҳсулотни истеъмол килган одамларнинг заҳарланишларига олиб келиши ва бунинг оқибатида ўлим ҳолатлари юз бераётганлиги кузатилмоқда [2]. Адабиётларда ўрганилган маълумотларга кўра, тиаклопридни кимё-токсикологик жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлигини этиборга олган ҳолда тадқикотлар талабларига мос келадиган сезигир, тезкор ва аниқлик даражаси юқори бўлган услубларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга уларга таъсири кўрсатувчи омилларни ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шундай усуллардан бири юпқа қатlam хроматография (ЮҚХ) усулидир. Усул бошқа усуллардан осонлиги, сезувчанлиги, ишлатилиш соҳасининг кенглиги сабабли ҳозирги кунга қадар суд-кимё ва кимё-

токсикологик таҳлилларда текширилаётган модда чинлигини аниқлашда, биологик объектлардан олинган ажратмаларни балласт моддалардан тозалашда ва бошқа моддалар, шунингдек, метаболитларидан ажратишда кенг кўлланилиб келинмоқда. Шу билан бирга, усул моддаларни хроматографик ажратиши ҳамда уларни мидорини ҳам аниқлашга ёрдам бериши билан фарқланиб туради. Шулардан келиб чиқиб, тиаклапридни ЮҚҲ усулида таҳлил қилиш услугларини ишлаб чиқиши максад қилиб кўйилди.

Тадқиқотнинг мақсади: тиаклоприд пестицидини ЮҚҲ усулида таҳлил қилиш услугини ишлаб чиқиши ва уни кимё-токсикологик объектлар учун кўллашдан иборат.

Усуллар ва услублар: Тиаклоприд стандарт моддасини ЮҚҲ усулида чинлигини аниқлаш мақсадида органик эритувчилар аралашмасини ҳамда очувчи реактивларни танлаб олинди. Очувчи реактивларни танлаш мақсадида тиаклаприд стандарт намунасидан 0,05 г (аниқ тортма) олинди ва сифими 50 мл ўлчов колбасига солиниб, 0,1 н НСІда эритилди. Ушбу ишчи стандарт эритмадан градуирланган капилляр найда ёрдамида олдиндан лаборатория шароитида тайёрлаб кўйилган силикагель билан қопланган хроматографик пластинкага бир-биридан 2 см узокликда, 5 мм кенгликда доира шаклида 25 мкл мидорда томизилди. Пластинка хона шароитида (18-20°C) қуритилди ва турли кимёвий хоссасига эга бўлган доз хосил

қилувчи реактивлар пуркаб кўрилди. Бунда УБ-нурида қўнғир рангли доз, Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви билан сариқ фонда зарғалдок, бироз вақт ўтгач тўқ қўнғир рангли доз хосил бўлди. Концентранган сульфат кислотаси таъсирида сариқ рангли доз бўлганлиги кузатилди. Бромфенол кўки реактиви билан сариқ фонда кўк рангли дозларнинг пайдо бўлиши кузатилди.

Иzlанишларнинг кейинги босқичида тиаклопридни органик эритувчилар аралашмасида тақсимланиши ўрганилди. Таҳлил лаборатория шароитида тайёрланган силикагель билан қопланган хроматографик пластинкаларда олиб борилди. Пластинкаларни старт чизигига тиаклопридни ишчи стандарт эритмасидан томизилди ва хона ҳароратида қуритилди ҳамда олдиндан эритувчилар аралашмасини буғи билан тўйинтирилган хроматографик камерага туширилди. Хроматографик камерада эритувчиларнинг старт чизигидан кўтарилиб, финиш чизигига етиб келганида, пластинкаларни камерадан олиб хона шароитида қуритилди ва моддани пластинкалар бўйлаб кўтарилиб тўпланган нуктасини аниқлаш мақсадида юкорида келтирилган реактивлардан бири Мунъе бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви билан пуркалди. Бунда хосил бўлган дозларнинг Rf қийматлари аниқланди.

Натижалар: Олиб борилган таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

ЮҚҲ усулида тиаклопридни таҳлилида фойдаланилган органик эритувчилар аралашмасини ташлаш натижалари

№	Органик эритувчилар аралашмаси	Тиаклоприднинг Rf қиймати
1	Этил спирти : диэтил эфири (6:4)	0,51-0,52
2	Диэтил эфири : этил спирти (6:4)	0,61-0,63
3	Гексан : этил спирти (1:1)	0,40-0,42
4	Диоксан : этил спирти (1:1)	0,18-0,19
5	Хлороформ : ацетон (1:1)	0,15-0,16
6	Метанол : амиакнинг 25% эритмаси (100:1,5)	0,11-0,12
7	п-бутанол : сирка кислотанинг 15% эритмаси : сув (35:3:10)	0,28-0,29
8	п-бутанол: сирка кислотанинг 15% эритмаси : сув (4:1:1)	0,18-0,19
9	Бензол : гексан (1:1)	0,11-0,12
10	Бензол : ацетон (80:20)	0,11-0,12
11	Этил спирти: амиакнинг 25% эритмаси (1:1)	0,12-0,13

Кузатилган таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, органик эритувчилар аралашмасидан: этил спирти : диэтил эфири (6:4) $R_f=0,51$, диэтил эфири : этил спирти (6:4) $R_f=0,61$, гексан : этил спирти (1:1) $R_f=0,40$ саклаган органик эритувчилар аралашмаси мўътадил деб олинди. Юқоридаги системалардан этил спирти : диэтил эфири (6:4)* органик эритувчилар аралашмаси кимё-токсикологик таҳлилларда ишчи эритувчилар системаси деб танлаб олинди. Хроматографик таҳлилларда текширилувчи моддани аниқловчи реактивларнинг ушбу модда учун реакция сезигрлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан юқорида тавсия этилаётган таҳлил услубларининг тиаклоприд учун сезигрлиги ва хусусийлиги ўрганилди. Хроматограммадаги тиаклоприд доғларининг

жойлашган ўрнини аниқлашда юқорида кўлланилган реактивлардан фойдаланилиб, уларни моддага нисбатан сезигрлиги ўрганилди. Бунинг учун тиаклоприднинг ишчи стандарт намунаси эритмасидан концентрацияси камайиб борувчи бир қатор ишчи стандарт эритмалар тайёрланди ва уларни микрошириц ёрдамида хроматографик пластиинканинг старт чизигига бир-биридан 2 см узоқликда 0.4-0.5 см кенгликда доира шаклида томизилиб, этил спирти: диэтил эфири (6:4) саклаган органик эритувчилар аралашмасида хроматографик тақсимланиши ўтказилди. Сўнгра пластиинкага тавсия этилаётган кимёвий реактивлар пуркалди. Олинган таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тиаклопридни ЮҚХ усулида доғ пайдо қиласидаги реактивларни сезигрлигини аниқлаш натижалари

Реакция сезигрлиги, мкг	Доғ хосил килувчи реактивлар			
	УБ-нури	Мунье бўйича модификацияланг ан Драгендорф	Конц H_2SO_4	Бром фенол кўки
10	+	+	+	+
9	+	+	+	+
8	+	+	+	+
7	+	+	+	+
6	+	+	+	+
5	+	+	-	-
4	+	+	-	-
3	+	+	-	-
2	+	+	-	-
1	+	+	-	-
0,5	+	+	-	-

Олиб борилган тажрибалар натижасида тиаклопридни аниқлаш учун кўлланилган реактивлардан: Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви ва УБ-нурининг моддага нисбатан сезигрлиги 0,5 мкг, конц. сульфат кислотаси ва бромфенол кўкининг моддага нисбатан сезигрлиги мос равишда 7 ва 6 мкг ташкил қилиши аниқланди. Ушбу натижалардан келиб чиқиб изланишлар давомида кимё-токсикологик объект ва ашёвий далиллардан тиаклопридни аниқлашда ЮҚХ усулида таҳлиллар ўтказиш учун сезигрлиги нисбатан юқори бўлган УБ-нур ва Мунье

бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви очувчи реактив сифатида тавсия этилди.

Тажрибанинг кейинги босқичида тиаклоприднинг чинлигини аниқлашда ЮҚХ таҳлилига сорбентларнинг таъсири ўрганилди. Бунинг учун лаборатория шароитида тайёрланган силикагель пластиинкалари, “Silufol UV-254” маркали ва “Алюминий оксид” сорбенти саклаган тайёр хроматографик пластиинкалардан фойдаланилди. Лаборатория шароитида тайёрланган силикагелли хроматографик

пластинкалар аввал хона ҳароратида қуритилди, сўнгра бир соат давомида 100 °C ҳароратда қуритиш шкафида фаоллаштирилди. Тайёр бўлган силикагель пластинкалар таҳлилгача махсус идишларда – эксикаторда вертикал ҳолатда сақланди. Таҳлини бажариш учун пластинкаларни старт чизигига таркибида 1 мкг/мл тиаклоприд стандарт моддасини саклаган 0,1н HCl эритмасидан 0,1 мл томизилиб, хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра этил спирти : диэтил эфири (6:4) аралашмаси солинган ва уларнинг буғи билан

тўйинтирилган хроматографик камераларга пластинкаларни туширилиб, хроматографик жараён амалга оширилди. Хроматографик пластинкада моддани ҳаракатланиб тўпланган жойини аниқлаш массадида УБ нури остида қўрилди, сўнгра Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви эритмасидан пуркалди ва ҳосил бўлган доғларнинг Rf кўрсаткичлари аниқланди. Бажарилган таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган

3-жадвал

Тиаклопридни ЮҚХ усулида таҳлил қилинша сорбентларнинг таъсирини ўрганиш натижалари

Танланган системалар	Қўлланилган пластинкалар		
	Silufol UV-254	Алюминий оксид	Силикагель
Этил спирти : диэтил эфири (6:4)	0,51-0,52	0,56-0,58	0,55-0,57
Диэтил эфири : этил спирти (6:4)	0,61-0,65	0,69-0,71	0,60-0,64
Гексан : этил спирти (1:1)	0,40-0,43	0,37-0,39	0,41-0,43

Таҳлил натижаларига кўра, “Алюминий оксид” ва лаборатория шароитида тайёрланган “Силикагель” сорбенти саклаган хроматографик пластинкалардан фойдаланиш массадга мувоғиқ деб топилди.

Мураккаб таркибли аралашмаларни ЮҚХ усулида таҳлил қилинганда текширилаётган моддага ҳос шароитларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган тажриба натижалари айнан текширилувчи моддага ҳос эканлиги ва бошқа бирикмалар текширув натижаларига ҳалал бермаслиги ҳам таҳлилларда катта аҳамиятга эга. Бунда хроматографик пластинкадаги текширилаётган моддага доғ ҳосил қилувчи реактивлар пуркалиб, ҳосил бўлган доғнинг ранги ва Rf киймати билан

фарқланиши лозим [3]. Шу муносабат билан тиаклоприд учун таклиф этилаётган таҳлил шароитларининг селективлигини ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тиаклопридни юпқа қатлам хроматографияси усулида аниқлаш учун танланган таҳлил шароитларининг хусусийлигини ўрганиш мақсадида неоникотиноид гурухига оид айрим пестицидлар стандарт намуналарининг 0,1 н HCl да эрийдиган эритмаларидан фойдаланилди. Ҳар хил пестицид намуналарининг эритмалари томизилган хроматографик пластинкалар юқорида тавсия этилган ЮҚХ таҳлил услубида таҳлили олиб борилди ва Rf қийматлари аниклаб олинди. Таҳлил натижалари 4-жадвалда келтирилган

4-жадвал

ЮҚХ усулида тиаклопридни селективлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар

Моддалар номи	Қўлланилган пластинкалар		
	Silufol UV-254	Алюминий оксид	Силикагель
Тиаклоприд	0,51	0,57	0,56
Тиаметоксам	0,37	0,48	0,45
Ацетамиприд	0,68	0,70	0,65
Имидаклоприд	0,65	0,68	0,72

4-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, таклиф этилаётган ЮҚХ усулида тахлил қилинганида неоникотиноид гурухига кирган турли пестицидларнинг Rf қўрсаткичлари бир-биридан фарқланади ва тиаклопридни аниқлашга ҳалал бермайди.

Хуносалар: Тиаклопридни ЮҚХ усулида тахлил усуллари ишлаб чиқилди. Бунда органик эритувчиilar аралашмасидан этил спирти : диэтил эфири (6:4) Rf=0,51, диэтил эфири : этил спирти (6:4) Rf=0,61, гексан : этил спирти (1:1) Rf=0,40 саклаган органик эритувчиilar аралашмаси мўътадил деб олинди. Доғларни ёритишда УБ нури ҳамда Драгендорф реактиви танлаб олинди. Уларнинг моддага нисбатан реакция сезгирилиги 0,5 мкг ташкил этди. Тиаклопридни юпқа қатлам хроматографияси усулида аниқлашда танланган тахлил шароитларининг селективлигини ўрганиш натижасида шу гурухга кирган бошқа турдаги пестицидларни тиаклопридни аниқлашда ҳалал бермаслиги аникланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://dezresursy.ru/neonikotinoidy>
2. <https://nplus1.ru/news/2021/10/29/thiacloprid>
3. Усманалиева З.У., Зулфикариева Д.А. “Юпқа қатлам хроматографияси усулида медаминни тахлил шароитларини ишлаб чиқиши”, “Биология ва тиббиёт муаммолари” Самарқанд - 2020й, №5 86-89 бет.

Уринбоева Инобат Рахимбой кизи, Зулфикариева Дилноза Алишеровна

**РАЗРАБОТКА МЕТОДИКИ АНАЛИЗА ПЕСТИЦИДА ТИАКЛОПРИД МЕТОДОМ
ТОНКОСЛОЙНОЙ ХРОМАТОГРАФИИ**

Ташкентский фармацевтический институт
e.mail: inobatorinboyeva@gmail.com

Разработаны оптимальные условия анализа тиаклоприда методом тонкослойной хроматографии. Изучены чувствительность и специфичность метода. Для анализа методом тонкослойной хроматографии тиаклаприда подобраны система органических растворителей, проявляющие реагенты и сорбенты.

Ключевые слова: Тиаклоприд, тонкослойная хроматография, силуфол, система растворителей, реагент.

Urinbaeva Inobat Rakhimboy kizi, Zulfikarieva Dilnoza Alisherovna

**DEVELOPMENT OF A METHOD FOR THE ANALYSIS OF THE PESTICIDE THIACLOPRID
BY THE METHOD OF THIN LAYER CHROMATOGRAPHY**

Tashkent pharmaceutical institute
e.mail: inobatorinboyeva@gmail.com

The optimal conditions for the analysis of e by thin layer chromatography have been developed. The sensitivity and specificity of the method have been studied. For thin layer chromatographic analysis of thiaklaprid, a system of organic solvents, developing reagents, sorbents was selected.

Key words: thiaklaprid, thin layer chromatography, silufol, solvent system, reagent.

MODDALARINING NOQONUNIY SUISTE'MOLI BUNING HAQIDA (adabiyotlar sharhi)	VA OQIBATLARI	ВЕЩЕСТВАМИ БЕНЗОДИАЗЕПИНОВОЙ ГРУППЫ ПОСЛЕДСТВИЯХ	1,4- ГРУППЫ И	BENZODIAZEPINE GROUP SUBSTANCE AND ITS CONSEQUENCES	97
---	------------------	---	---------------------	--	----

O'rinboeva InobatRahimboy qizi, Zulfikarieva Dilnoza Alisherovna TIAKLOPRID PESTITSIDINI QATLAM XROMATOGRAFIYASI USULIDA USLUBINI CHIQISH	YUPQA	Уринбоева Инобат Рахимбой кизи, Зулфикариева Дилноза Алишеровна РАЗРАБОТКА МЕТОДИКИ АНАЛИЗА ПЕСТИЦИДА ТИАКЛОПРИД МЕТОДОМ ТОНКОСЛОЙНОЙ ХРОМАТОГРАФИИ	Urinbaeva Inobat Rakhim-boy kizi, Zulfikarieva Dilnoza Alisherovna DEVELOPMENT OF A METHOD FOR THE ANALYSIS OF THE PESTICIDE THIACLOPRID BY THE METHOD OF THIN LAYER CHROMATOGRAPHY
--	-------	--	--

108

Dori vositalarini standart-lash va sifatini ta'minlash	Стандартизация и обеспечение качества лекарственных средств	Standardization and quality assurance of medicines
--	---	--

Yuldasheva Xabibullaevna, Xakim Sotimov Baxtiyorovich GELMINTGA DORI TARKIBIGA KIRUVCHI QOVOQ URUG'I QURUQ EKSTRAKTI MO'TADIL TEXNOLOGIYASINI O'RGANISH	Shaxlo To'xtaev Raxmonovich Sotimov QARSHI VOSITASI	Юлдашева Хабибуллаевна, Хаким Сотимов Гайрат Бахтиярович ИЗУЧЕНИЕ ОПТИМАЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ СУХОГО ЭКСТРАКТА СЕМЯН ТЫКВЫ, ВХОДЯЩЕГО В СОСТАВ АНТИГЕЛЬМИНТНОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА	Шахло Тухтаев Сотимов Гайрат Бахтиярович ИЗУЧЕНИЕ ОПТИМАЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ СУХОГО ЭКСТРАКТА СЕМЯН ТЫКВЫ, ВХОДЯЩЕГО В СОСТАВ АНТИГЕЛЬМИНТНОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА	Yuldasheva Shahlo Habibullaevna, Tukhtaev Khakim Rakhmanovich, Sotimov Gayat Bakhtiyorovich STUDY OF THE OPTIMAL TECHNOLOGY OF DRY PUMPKIN SEED EXTRACT INCLUDED IN THE COMPOSITION OF AN ANTHELMINTIC DRUG
---	---	--	--	---

113

Farmakologiya va klinik farmakologiya. Mikrobiologik va histologik tadqiqotlar	Фармакология и клиническая фармакология. Микробиологические и гистологические исследования	Pharmacology and clinical pharmacology. Microbiological and histological studies
--	--	--

Voronina Natalya Vladimirovna, Elinskaya Olga Leontevna «GRATSIAN» OZIQ-OVQAT UCHUN BIOLOGIK FAOL QO'SHIMCHALARING SAMARADORLIGINI EKSPERIMENTAL BAHOLASH	Воронина Наталья Владимировна, Элинская Ольга Леонтьевна ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНОЙ ДОБАВКИ К ПИЩЕ «ГРАЦИАНА»	Voronina Natalya Vladimirovna, Elinskaya Olga Leontievna EXPERIMENTAL EVALUATION OF THE EFFICIENCY OF THE BIOLOGICALLY ACTIVE FOOD SUPPLEMENT "GRACIANA"
---	---	--

119